



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 18 ноябрь, № 223 (6406) Чоршанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон — Покистон:

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА



Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Покистон Ислам Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф 17 ноябрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Кўрсарой қароргоҳида Покистон Ислам Республикаси Бош вазирини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ислам Каримов ва Навоз Шариф шохсупага кўтарилдилар. Икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради. Ўзбекистон Президенти ва Покистон Бош вазири фахрий қоровул сафи олдида ўтдилар. Ислам Каримов ва Навоз Шариф учрашувида асосий эътибор мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш масалаларига қаратилди.

Икки томонлама, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ўзаро ишонч ва очкилик руҳидаги олий даражадаги музокараларни давом эттиришга, кўп қиррали ва манфаатли ўзаро ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришга тайёр эканининг ёрқин ифодаси деб биламиз, — деди Президентимиз.

Ўзбекистонда буюк мамлакатга яна бир бор ташриф буюганимдан гоят мамнунман. Муҳтарам Президент, Сизнинг оқилона ва узоқни кўзлаган сиёсатингиз самарасида Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорлик таъминланмоқда, барча соҳалар изчил тараққиёт этмоқда. Халқаро иқтисодиётдаги мураккабликларга қарамай, Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг ўсиши кейинги йилларда 8 фоиздан зиёд бўлиб келаётгани бунинг тасдиғидир. Олий даражадаги мулоқотларнинг мунтазамлиги самарасида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни, хавфсизлик борасидаги ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлаш, энергетика соҳасидаги алоқаларимизни кенгайтиришнинг янги имкониятлари

пайдо бўлмоқда, — деди Покистон Бош вазири.

Ўзбекистон Республикаси ва Покистон Ислам Республикаси ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йил 10 майда ўрнатилган. Турли даражадаги сиёсий мулоқотлар мунтазамлик касб этган. Бу ҳамкорликни изчил ривожлантириш, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар бўйича ёндашувларни мувофиқлаштириб бориш имконини бермоқда.

Ўзбекистоннинг улкан иқтисодий салоҳияти, геостратегик ўрни, ривожланган инфратузилмаси Покистон учун муҳим аҳамиятга эга. Покистон минтақавий хавфсизликни таъминлашдаги ўрни, денгиз портларига чиқиш имконияти, йирик бозори билан Ўзбекистон учун истиқболлидир.

Икки мамлакат халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Шу йил июль ойида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Уфа шаҳрида бўлиб ўтган саммитида Покистонни ШХТга қабул қилиш жараёнини бошлаш бўйича қарор имзоланди. Бу мамлакатларимизнинг ўзаро ва кўп томонлама ҳамкорлигини ривожлантириш

риш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатларимиз ўртасида турли соҳаларга оид 42 ҳужжат имзоланган. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик, ўзаро инвестицияларни рағбатлантириш ва капитал кўйилмаларни ҳимоя қилиш, даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф қилишга оид битимлар савдо-иқтисодий алоқалар ривожига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Покистонга пахта толаси, кўнчилик хом ашёси, транспорт ва туризм хизматлари экспорт қилади. Покистон мамлакатимизга дори воситалари, кимё ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етказиб беради, транспорт хизмати кўрсатади.

Мамлакатимизда Покистон капитали иштирокида 57 корхона ташкил этилган. Улар савдо, тўқимачилик, кўнчилик, озиқ-овқат, қўғоз ишлаб чиқариш, транспорт ва туризм соҳаларида фаолият юритмоқда. Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Халқаро инвестициявий форумда покистонлик ишбилармонлар фаол қатнашди.

Музокарада ўзаро товар айланмаси Ўзбекистон билан Покистоннинг иқтисодий салоҳияти ва кенг имкониятлари даражада эмаслиги таъкидланди. Фойдаланилмаётган ресурсларни ишга солиш, савдо айланмаси ҳажмини ошириш ва диверсификациялаш масалалари муҳокама қилинди. Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Покистон ҳукуматлараро комиссияси ишини фаоллаштириш, унинг мажлисларини мунтазам ўтказишга келишиб олинди.

Томонлар Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги ҳамкорлик ривожини нафақат мамлакатларимизнинг узоқ истиқболли манфаатларига хизмат қилиши, балки бутун минтақادا хавфсизликни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, коммуникация ва гуманитар алоқаларни ривожлантиришга ижобий таъсир этишини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистон ва Покистон тарихи бир-бирига боғлиқ, ажодларимиз илмий-ижодий мероси халқларимизнинг умумий мулкига айланган. Бундай яқинлик маданий-гуманитар алоқалар ривожига мустаҳкам асос бўлмоқда. 1991 йилдан буён фаолият юритаётган “Ўзбекистон — Покистон” дўстлик жамияти томонидан қўллаб

мий-маданий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Икки мамлакат вакиллари Ўзбекистон ва Покистонда ўтказиладиган турли концертлар, фестивал ва кўргазмалар, спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, покистонлик санъаткорлар Самарқандда ўтадиган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида мунтазам қатнашиб келади.

Покистонда Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишлаб илмий-амалий конференциялар ўтказилган. Кўплаб ўзбек олимлари, шоир ва ёзувчиларнинг асарлари урду тилига таржима қилинган. 2009 йилда Тошкент давлат шарқшунослик институтида урду тили ва адабиёти кабинети ташкил этилган. Институт мутахассислари томонидан “Урду-ча-ўзбекча луғат” ҳамда “Ўзбек ва урду тилларидаги умумий сўзлар луғати” чоп этилган.

Мамлакатларимиз сайёҳлик соҳасида ҳам улкан имкониятларга эга. Покистонда Ўзбекистондаги тарихий обидалар, муқаддас қадимжоларни кўришни хоҳловчилар кўп.

Музокарада яқинда Ислам Каримов ва Навоз Шариф Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Республикаси ўртасидаги Қўшма декларацияни имзоладилар. Шунингдек, ўзаро савдо муносабатларини ривожлантириш, солиқ соҳасида қўшимча имтиёзлар яратиш, ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Президенти ва Покистон Бош вазири оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувида очик ва амалий руҳда ўтган музокарада ўзаро алоқаларни ривожлантиришнинг муҳим масалалари, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасида фикр алмашилгани таъкидладилар. Ушбу ташриф ва унда эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасидаги узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожига янги сарҳаф очиши, унга қўшимча суръат бағишлашни қайд этилди.

Покистон Ислам Республикасининг Бош вазири Муҳаммад Навоз Шарифнинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА мухбири.

Сарвар ЎРМОҲОВ олган сурат.

18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун



Фурур ва ифтихоримиз ТИМСОЛИ

Давлатимиз рамзлари, хусусан, байроғимиз ҳар биримиз учун муқаддасдир. Чунки у халқимиз тарихи, бугуни ва келажагини ўзида мужассам этган ёрқин тимсолимиз ҳисобланади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, “Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири ана шу буюк ғояга, миллий гуруримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири — катта бир дарслик, кучли тарбия воситасидир”.

Чиндан ҳам, рамз ва тимсолларнинг ҳаётимизда тугган ўрни бекиёс. Ўтмишда ҳам шундай бўлган, ҳозир ҳам. Масалан, юрт байроғини ёв қўлига топширишни истаманга Нажmiddин Кубро қаҳрамонликлари халқимизнинг қалбидан чуқур жой эгаллаган. Ватан байроғини жонидан ортиқ асраган улғу саркардаларимиз ҳаёти ҳам бугунги авлод учун ибрат вазирасини ўтамоқда.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ давлат рамзларини яратишга киришилди. Хусусан, 1991 йил 18 ноябрда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Ушбу ҳужжатнинг иккинчи ва учинчи моддаларида байроғимиз Ўзбекистон Республикаси Давлат суверенитети рамзи эканлиги, халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикасининг

тимсоли бўлиши белгилаб қўйилган.

— Байроғимиздаги ҳар бир ранг, белги ўзига хос маъно-мазмунга эга, — дейди Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси Муқаддасхон Аҳмедова. — У халқимизнинг бой ўтмиши ва маънавий қиёфасини ўзида акс эттирган. Зеро, давлатимиз рамзлари халқимизнинг шон-шарафига, гурури, тарихий хотираси ва интилишларини мужасамлаштирган. Улар бизга элу юрт манфаати барча нарсадан устуңлигини англатади. Бунга ҳар биримиз хаммша ёдда тутишимиз ва унутмаслигимиз лозим. Ушбу муқаддас тимсоллар мамлакатимизнинг буюк келажагига бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

(Давоми 2-бетда).

Ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш

демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шартидир

Тошкентда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда “Ўзбекистон матбуоти” V Миллий форуми

касб салоҳияти ва малакасини кучайтириш, меҳнатини муносиб рағбатлантириш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жади. Унда парламент аъзолари, тегишли вазирлик ҳамда идоралар вакиллари, журнал-листлар қатнашди.

■ ФОРУМ

Таъкидланганидек, мамлакатимизда сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Шунга мувофиқ, ўтган давр мобайнида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг демократик ислохотлар жараёнидаги ўрни ҳамда таъсирини янада юксалтириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, техник ҳамда технология қайта жиҳозлаш, соҳа мутахассисларининг

миятини ривожлантириш концепцияси асосида бу борадаги сайёҳаракатлар янги босқичга кўтарилди. Концепция асосида қатор ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очкилиги тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши нафақат ахборот соҳасини либераллаштириш, балки юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, давлатнинг ички ҳамда ташқи сиёсати очкилиги ва ошқоралигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

(Давоми 2-бетда).

Маҳалла фаоллари учун ўқув курслари

улар фаолиятининг янада самарали бўлишига хизмат қилмоқда

Бугун юртимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида кенг қўллаб-қувватлаш мақсади билан амалга оширилмоқда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари ҳам ана шу жараёнда ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш, оилаларни мустаҳкам

лаш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, тарихан таркиб топан миллий кадрларни асраб-авайлаш ва кенг тарғиб қилиш, соҳага тааллуқли қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлашдек масъулиятли вазифаларни муваффақиятли бажариб келаётир. Бу борада, шубҳасиз, Президентимизнинг

2013 йил 10 октябрдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг

■ ҚАРОР ВА ИЖРО

малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, ви

лоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тузурида ташкил этилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларининг аҳамияти салмоқли бўлмоқда.

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви маълумотида кўра, ҳозирги пайтда мамлакатимизда мавжуд

9787 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жами 36587 нафар ходим, жумладан, йиғин раиси, масъул котиб, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи ҳамда “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаси раҳбарлари самарали фаолият кўрсатапти. Давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган қароридан келиб чиқиб, уларнинг билим ва малакасини ошириш юзасида кенг қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлар олиб борилаётир.

(Давоми 2-бетда).

Фурур ва ифтихоримиз ТИМСОЛИ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Ундаги мовий ранг мусаффо осмон ва обиҳаётни англатади. У яхшилик, донишмандлик, ҳалоллик, шон-шухрат, садоқат, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ва хотиржамликни билдирса, оқ ранг азалдан поклик ва бегуборликни ифода қилган. Яшил ранг яшариш, янгилик ва она-табиат тимсолидир. Қизил чизиқлар вужудимизда жўшиб оқаётган ҳаётнинг қудрат ва давомийлик нишонидир. Янги чизиқ келатган ой ва ўн икки юлдуз ҳам ўзига хос маънога эга. Маълумки, қадим Шарқда ўн икки рақами мукамаллик ва комиллик тимсоли сифатида қадрлаб келинган.

Байрогимиз БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳи, Президент Девони, Олий Махлис палаталари, Ҳукумат биноси, маҳаллий бошқарув идоралари, Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро ташкилотлар, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги дипломатик ва савдо ваколатхоналари ҳамда консуллик муассасаларида ҳилпираб турибди. Шунингдек, турли байрам тантаналари, мамлакатимиз делегациялари қатнашаётган хал-

қаро миқёсдаги сиёсий, маданий-маърифий тадбирларда, нуфузли спорт мусобақаларида байрогимиз Ватанимиз шаъни, халқимиз ғурурини ёрқин акс эттирмоқда. Мисол учун, халқаро спорт мусобақаларида голиб бўлган спортчилар шарафига байрогимиз баланд кўтарилганини кўрганда, ҳар биримизнинг қалбимизда чексиз севинч ва ифтихор туйғулари жўш уради.

— Касб тақозосидан келиб чиқиб, талаба-ёшларга таълим-тарбия бериш чоғида, турли учрашув ҳамда мулоқотларда ҳам давлат рамзлари моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритиб, уларни кўз қорачиқидек асраб-авайлаш муқаддас бурчимиз эканини тушунтиришга ҳаракат қиламиз, — дейди суҳбатдошимиз. — Негаки, ёшлар қалбига она-Ватан ва истиқлол ғояларига садоқат, давлат рамзларига ҳурмат ҳиссини шакллантириш энг бирламчи вазифаларимиздан, деб биланам. Зеро, бошқа рамзлар сингари байрогимиз ҳам тинч ва осойишта ҳаётимиз, фаровон турмушимиз, порлоқ келажакимиз тимсолидир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Зокир ХУДОШУКUROV,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш

демократик жамят асосларини барпо этишнинг муҳим шартидир

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Форумда истиқлол йилларида Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари сони 3,6 баробар кўпайиб, ҳозирги вақтда 1,4 мингдан зиёдни ташкил қилаётгани алоҳида таъкидланди. Бугунги кунда босма нашрларнинг 60, телерадиоканалларнинг 67, интернет нашрларининг эса 95 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади. Улар фуқаролик жамятини шакллантириш жараёнида фаол иштирок этаётти.

Ўз навбатида, рақамли телевидение имкониятлари ҳам жадал суръатлар билан ошиб бормоқда.

Этиборлиси, бу борада Ўзбекистон мустақил бўзма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ҳам қатор ишлар қилинапти. Фонд томонидан сўнгги икки йилда 230 дан зиёд турли тадбирлар, жумладан, халқаро конференциялар, семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этилиб, уларда 7 минг нафарга яқин журналистлар, ОАВ ҳамда фуқаролик жамятининг бошқа институтлари вакиллари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари раҳбарлари, экспертлар қатнашди.

Шунингдек, ўтказилган грант ҳамда танловларда юздан ортқ соҳа ходимлари иштирок этиб, уларнинг ижтимо-

ий аҳамиятга молик лойиҳалари моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланди.

Илгирликда бугунги глобаллашув даврида жамят ҳаётига АҚТни кенг жорий этиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, турли маънавий таҳдидларнинг олдини олиш, миллий ахборот маконини янада такомиллаштириш долзарб эканлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Бинобарин, мустақил фикрга эга шахсни тарбиялаш, юрт мустақиллигини мустаҳкамлаш, фуқаролар, айниқса, эртамиз эгалари бўлган ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёсдир. Шундай экан, ушбу вазифаларни самарали рўёбга чиқариш учун журналистлардан ўз профессионал малакасини доимий ошириб бориш, сўз қадри ва унинг таъсирини чуқур тушуниш, кучли фуқаролик позициясига эга бўлиш, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маънавий-ахлоқий масалаларни ёритишда ҳолислик таъминини таъминлашга таяниш талаб этилади. Айни чоғда кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалалари ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Форумда ана шундай мавзуларни қамраб олган қатор маърузалар тингланди ҳамда истиқболдаги вазифалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Саиджон МАХСУМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Биргина жорий йилнинг ўтган даврида 14082 нафар маҳалла фаоли ушбу ўқув курсларида таҳсил олгани ҳам ана шундан далолатдир. Этиборлиси, мазкур ўқув курслари учун маҳаллий ҳокимликлар томонидан алоҳида бинолар ажратилиб, улар илғор ахборот-коммуникация технологиялари, зарур адабиётлар билан таъминланган. Ҳар бир йўналиш бўйича электрон дарсликлар ҳам яратилганки, бу машғулотларнинг қизиқарли ва энг муҳими, самарали ўтишига хизмат қилмоқда. Шуларга мос

вилояти ўқув курслари ўртасида тажриба алмашиш йўлга қўйилгани ҳам фойдали бўлмоқда.

Фарғона вилояти ҳокимлиги хузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари малакасини ошириш бўйича ўқув курсларида ҳам барча қулайлик муҳайё қилинган. Жумладан, бинодаги 5 та хона компьютерлаштирилган, анжуманлар зали, маънавият хонаси ва спорт зали тингловчилар ихтиёрида. Айниқса, вилоятнинг чекка ҳудудларидан келган тингловчилар учун 25 ўринли ётоқхона ташкил этилгани, ўқув биносининг пастки қаватида ошхона



Маҳалла фаоллари учун ўқув курслари

улар фаолиятининг янада самарали бўлишига хизмат қилмоқда

ҳолда, машғулотларга олий ўқув юртли профессор-ўқитувчилари, Фуқаролик жамяти шаклланиши мониторинг қилиш мустақил институти, Республика Маънавият тарғибот маркази, молия ва ички ишлар органлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда бошқа мутасадди ташкилотларнинг малакали ходимлари жалб этилаётти.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасидаги 401 фуқаролар йиғинида 1590 нафар ходим бўлиб, уларнинг билим ва малакасини ошириш режаси ишлаб чиқилган. Ҳозиргача 1363 нафар ходим ҳуқуқий билимлари ва амалий кўникмаларини юксалтириб, махсус сертификатга эга бўлди.

— Машғулотлар жадвали ҳар ойда янгилик билан бораётгани ижобий натижа берапти, — дейди мазкур ўқув курслари раҳбари Тажиб Раманов. — Бу ерда тингловчилар учун барча шарт-шароит яратилган. Хусусан, чекка туманлардан келган ходимлар учун ётоқхоналар ажратилган. Профессор-ўқитувчилар ва амалиётчи мутахассислар ўтказиётган машғулотлар тингловчиларнинг ҳуқуқий ҳамда ижтимоий-иқтисодий билимларини янада мустаҳкамлаётти. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм

хизмати йўлга қўйилгани уларга қулайлик яратмоқда.

— Ўқув машғулотлари давлат ва жамоат ташкилотларининг малакали мутахассислари томонидан ўтказилапти, — дейди Қува тумани «Урабоши» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рашидjon Комилов. — Улар соҳага оид қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва амалиётда қўллаш механизмларини тушутириб беришмоқда. Бир ҳафта давомида ўтказиладиган 28 соатлик назарий ва 10 соатлик амалий ўқув машғулотлари ҳар тарафлама мазмунли бўлмоқда. Эндилкида бу ерда олган билим ва кўникмаларимизни фаолиятимизни янада самарали ташкил этишга йўналтирамиз.

Хоразм вилояти ҳокимлиги хузуридаги ўқув курсларида машғулотлар замон талаблари даражасида, илғор ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, интерфаол усулда, юксак салоҳият ва чуқур билимга, ҳаётий тажрибага эга ҳуқуқшунос, иқтисодчи ва руҳшунаслар ҳамда бошқа соҳа мутахассислари томонидан олиб борилмоқда. Дарсларда тингловчилар фаоллигига эришиш мақсадида турли инновацион усуллардан фойдаланилапти. Шу кунгача ҳудуддаги 601 фуқаролар йиғи-

нинг 1345 нафар ходими мазкур ўқув курсларида малака оширди.

Бу ерда тингловчилар Урганч шаҳридаги намунали маҳалла фуқаролар йиғинларининг иш тажрибалари билан ҳам танишмоқда. Ҳар бир курс сўнгида якуний суҳбат ўтказилиб, ундан муваффақиятли ўтган тингловчиларга сертификатлар топшириляпти. Айни чоғда тингловчиларнинг дарсдан бўш вақтлари мазмунли ташкил этиш мақсадида «Маҳалла — тарбия маскани», «Маслаҳатчи — тарғиботчи», «Менинг маҳаллам» каби мавзуларда маънавий-маърифий ва адабий-баддий кечалар ўтказилмоқда.

Шунингдек, фуқаролар йиғинлари диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг тақлифи асосида мутахассислар билан учрашувлар уюштириляпти. Уларда тўй ҳамда бошқа маросимларни ихчамлаштириш, эрта никоҳ ва оилавий низоларнинг олдини олиш, касб-хунар коллежлари ўқувчи қизларнинг бандлигини таъминлаш каби масалалар атрофлича муҳокама қилинапти.

Вилоят ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ва шу ўқув курслари

ҳамкорлигида фуқаролар йиғинларидаги комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш мақсадида муайян ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг май-июнь ойларида шаҳар ва туманларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари таркибидеги Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт, Маърифат ва маънавият, Яраштириш ҳамда Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссиялар аъзолари учун ҳудудий ўқув машғулотлари ташкил этилди.

Бундан ташқари, вилоят назорат-тафтиш бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда ўқув курслари тингловчилари иштирокида кам таъминланган ва ижтимоий ёрдамга муҳтож фуқароларга ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш, моддий ёрдам ҳамда нафақаларни тайинлаш тартиби масалаларига бағишланган давра суҳбатлари ва семинарлар ўтказиш ҳам йўлга қўйилган.

— Ўқув дастуримизда ҳуқуқий йўналишдаги машғулотлар муҳим ўрин эгаллайди, — дейди Сирдарё вилояти ҳокимлиги хузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш

бўйича ўқув курслари ўқитувчиси, ҳуқуқшунос Азизбек Мавлонов, — Ҳафтанинг айнан бир кунги шу мавзудаги машғулотларга ажратилган. Уларда сўнгги йилларда қабул қилинган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ҳамда «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти чуқур таҳлил қилинмоқда. Натижада фу-

қаролар йиғинлари ходимларининг ҳуқуқий билимлари тобора мустаҳкамланиб борапти. Ҳозиргача курсларимизда таҳсил олган маҳалла фаолларининг айни пайтдаги фаолияти бўйича ўтказилган мониторинг натижалари ҳам ана шундан далолат бериб турибди.

Умуман, Президентимизнинг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хузурида ташкил этилган ўқув курслари томонидан маҳалла фаолларининг билим ва малакасини ошириш юзасидан кенг қўламли ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Пировардида фуқаролар йиғинлари фаоллари мамлакатимизда ҳаётга таъбиқ этилаётган ислохотлар жараёнида ўзларини ҳар томонлама намоён қилмоқдалар. Зеро, юқори билим ва малакага эга фаоллар устувор вазифаларни муваффақиятли тарзда амалга оширишда алоҳида ўрин тутаяди.

«Халқ сўзи» мухбирлари материаллари асосида тайёрланди.

Автомобилсозлик саноати: ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР ВА АМАЛИЁТ

Юртимизда амалга оширилаётган изчил иқтисодий ислохотлар тўғрисида четдан келтирилаётган хом ашё ҳамда бутловчи буюмларни ўзимизда тайёрлаш имконияти тобора кенгайиб бормоқда. Бу эса саноат корхоналарининг экспорт салоҳиятини янада юксалтириш, валютани тежаш ҳамда қўшимча иш ўринлари яратишда муҳим омил бўлаяпти.


■ ИСЛОҲОТ

Хусусан, кейинги йилларда биргина «GM Uzbekistan» ёшиқ акциядорлик жамятида янги русумдаги автомобиллар ишлаб чиқаришининг йўлга қўйилиши уларга зарур бўлган эҳтиёт қисмлар етказиб беришга ихтисослаштирилган ўнлаб қўшма корхоналарда маҳаллийлаштириш жараёнининг жадаллашувиغا туртки берди. Табиийки, бундай муваффақиятлар кенг қўламли техник ва технологик янгиликлар, маҳаллий муҳандис-техниклар томонидан яратилаётган рационализиаторлик тақлифлари ҳамда амалиётга кенг жорий этилаётган инновацион лойиҳалар самарасидир.

Анджон шаҳридаги «Andijon mash servis» масъулияти чекланган жамяти фаолияти билан танишиб, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилиш мумкин. 2004

йилда ташкил қилинган мазкур корхонада дастлаб бир неча турдаги детал ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлса, ҳозир маҳсулотлар тури 20 тага етган. Чунотки, жамятда биргина машина ўриндиқлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «УзТонг Хонг Ко» қўшма корхонаси учун 14 хилдаги бутловчи қисмлар етказиб берилаяпти. Бу ерда ISO/TS 16949:2009 халқаро сифат назорати тизимининг жорий этилиши «Andijon mash servis» маҳсулотларининг рақобатдошлигини таъминлашга хизмат қилаяпти.

— Жамятимизда ички бозор учун янги турдаги бутловчи қисм-



лар тайёрлаш автомобилсозларимизга қўшимча қулайлик яратди, — дейди корхонанинг сифат ва назорат бўлими бошлиғи Музаффар Ҳошимов. — Негаки, шу пайтгача бундай маҳсулотлар валюта эвазига хориждан келтирилари.

Утган йилнинг кузида «Andijon mash servis»га «Ўзбекистон» акциядорлик жамяти кўмағида 175 минг АҚШ долларлик 3 та замонавий компьютерлаштирилган дастгоҳ сотиб олинди. 15 нафар коллеж битирувчиси ушбу янги техноло-

гияларни бошқариш борасида малака оширди. Пировардида иш самардорлиги сезиларли даражада юксалди. Эндилкида кунга 5 минг донагача деталь буюртмачиларга етказиб берилаяпти.

Яна бир янгилик: айни пайтда корхона муҳандислари «GM Uzbekistan» қўшма корхонаси буюртмаси асосида икки турдаги бутловчи қисмни тайёрлашни ўзлаштириш борасида изланишлар олиб бормоқда. Жамоа йил охиригача бу йилдаги маҳсулотлардан 15 мингтаганини ишлаб чиқаришни режалаштирган.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. «Andijon mash servis» жамоаси яқин йилларда бир қатор истиқболли лойиҳаларни амалга оширишни мўлжалламоқда. Хусусан, ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш мақсадида янги бино қуриш ва жиҳозлаш мўлжалланапти. Бу корхона имкониятлари янада кенгайиши баробарида, янги иш ўринлари яратилади, деганидир.

Саидҳамд ШУКУРОВА,

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 17 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади:*)

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти			
1 Австралия доллари	1935,80	1 Исландия кронаси	20,77
1 Англия фунт стерлинги	4138,28	1 Канада доллари	2043,34
1 Дания кронаси	391,17	1 Хитой юани	426,71
1 БАА дирҳами	741,01	1 Россия рубли	40,84
1 АҚШ доллари	2721,12	1 Украина гривнаси	118,00
1 Миср фунти	347,52	1 Малайзия ринггити	619,85
		1 Польша злотийси	687,59
		1 СДР	3766,25
		1 Туркия лираси	945,16
		1 Швейцария франки	2701,40
		1 евро	2931,74
		10 Жанубий Корея вони	23,21
		10 Япония иенаси	222,24

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олман.

Дилмурод СОДИКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БАЛИҚЧИЛИК

Бугун озик-овқат тақчиллиги аксарият давлатлар учун энг долзарб муаммага айлангани сир эмас. Хусусан, глобал иссиқ, табиий офатлар, музликларнинг эриши ва океанлар сатҳи кўтарилиши Ер юзиде аксин майдонлари тобора қисқариб, қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари етиштириш ҳажми камайишига, нарх-навонинг эса кескин кўтарилишига олиб келаётир. Боз устига, ҳажон молиявий-иқтисодий инқирози ҳам вазиятни мураккаблаштирди.

ИСТИҚБОЛЛИ СОҲА ИМКОНИЯТЛАРИ

Ана шундай бир шароитда озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда узок йилларга мўлжалланган дастурлар, лойиҳалар ишлаб чиқилиб, тизимли равишда ҳаётга татбиқ этилаётгани кувонарли ҳолдир. Бу эса, пировардида бозорларимиз тўкинлиги, дастурхонимиз мўл-кўллигига хизмат қилаётир.

Балиқ турларини қайта тиклаш ишлари билан шуғулланмоқда. "Нукус балиқ" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона — шулардан бири. Мазкур жамоа, саккиз йилдирки, Кегейли туманидаги қўшма корхонада балиқ етиштириш билан шуғулланиб келади. Утган йилдан бошлаб эса корхона мутасаддилари Мўйноқ туманидаги "Жалтирбас" кўлини ҳам тендер асосида узок муддатга ижарага олди. Натижада 26 қўшимча иш ўрни яратилиб, жамият ишчи-ходимлари сони қарийб 60 нафарга етди. Утган йили корхона 470 миллион 658 минг сўм даромад қилди.



Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қошидаги "Табиат-етказиб бериллапти. Чунончи, утган йилнинг ўзида 10 миллион донна балиқ личинкаси етиштирилиб, 32 минг 400 доннаси соҳага икти-сослаштирилган тadbбиркорлик субъектларига сотилди.

дамир. Қолаверса, минтақамизда сув тақчиллигини ҳисобга олган ҳолда, ёпиқ ҳовузларда балиқ урчишни йўлга қўймоқчимиз. Бундай усул обиҳаёт манбаларидан унумли фойдаланиш, кам маблағ сарфлаб, кўп даромад олиш имконини беради.

Юқори сифат — муваффақиятлар омили. Қолаверса, ташқи бозорга чиқиш, соғлом рақобат муҳитига мослашишда ҳам ана шу мезон устувор аҳамият касб этади. Шу маънода, ISO 9001 халқаро сифат сертификатига эга қўшма корхона ҳамда унинг қошидаги "Оқмангит лакрица" масъулияти чекланган жамиятида илғор тажрибалар пухта ўрганилиб, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва қайта жиҳозлаш учун хорижий инвестицияларни жалб этиши борасида иш олиб бориллаётгани эътиборга сазовордир.

Бу йўналишдаги истиқболли лойиҳалар самараси ўлароқ, ақинда "Нукус балиқ" қошида 5 миллион АҚШ долларлик инвестиция эвазига яна бир йирик ишлаб чиқариш субъекти — "KPC Nukus Herbal Technology" қўшма корхонаси ҳам ташкил этилди. Бунан илдиизидан соғлиқни сақлаш, озик-овқат саноати ва бошқа соҳаларда кенг қўлланиладиган глицирризин кислотаси ишлаб чиқарувчи мазкур завод фаолият бошлаб, махсулот учун зарур хом ашё "Оқмангит лакрица" масъулияти чекланган жамияти томонидан етказиб бериллапти. Бу эса корхона даромадлари янада кўпайиб, қўшимча иш ўринлари яратилади, деганидир.

— Балиқчилик ривожиде сунъий озиклантиришнинг аҳамияти катта, — дейди қўшма корхона раҳбари Нурмуҳаммет Примбетов. — Шунинг учун озуқа-ем ишлаб чиқарилган цех ташкил этиш ҳаракати-

Маҳаллий хом ашёдан бежирим либослар

Қоракўл теридан тайёрланган махсулотлар ҳамиша харидорғирлиги билан ажралиб туради. Бунан яхши англаган Бухоро шаҳрилик тadbбиркор Холмурод Ҳакимов ушбу хом ашёдан аёллар пальтолари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

ИЗЛАНИШ

Бизнес лойиҳани амалга ошириш учун 100 миллион сўм микдориде маблағ сарфланиб, масъулияти чекланган жамият шаклидаги кичик корхона ташкил қилинди. Мазкур жараёнда қоракўл теридан аёллар боп бош кийимлари тайёрлаш ҳам ўзлаштирилди.

Эътиборлиси, бу шарҳда жорий йилнинг тўққиз ойида саноат йўналишида ҳаётга татбиқ этилган 69 та лойиҳанинг бидирди. Умуман, ушбу давр ораллиғиде мазкур бизнес-режалар рўёби учун 17,2 миллиард сўм ҳамда 1 миллион 50 минг АҚШ доллари микдориде хорижий инвестиция сарфланди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.



Италиянинг йирик "UniCredit" банки яқин уч йил ичида ишчилари сонини 14 фоиз қисқартириб, хориждаги активларини сотишни режалаштирапти.

Мажбурий чора қўллайди

Жами 18200 киши билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши кўзда тутилган бўлиб, мазкур жараён мамлакатдан ташқари, Австрия, Германия, Марказий ва Шарқий Европадаги шохобчаларда амалга ошириллади. Қолаверса, 6000 киши фаолият юритадиган Украина ҳамда Испаниядаги филиаллар савдога қўйилади.

Қайд этиш жоизки, "UniCredit" дунёнинг 17 та давлатида фаолият юритади. Уларнинг орасида иқтисодиёти оқсаётган мамлакатлар ҳам бор.

Акциялар нархи тушиб кетди

Буюк Британиянинг автомобиль ҳаьда двигателлар ишлаб чиқаришига иктисослаштирилган "Rolls-Royce" компанияси шу йилнинг ўзида тўртинчи бор фойда қўриш буйича прогнозини пасайтирди.

Унинг раҳбарияти ушбу ҳолат яна дивидендларнинг камайишига олиб келиши мумкинлиги ҳақиде огоҳлантирди, дейилади "Euroweek" телеканал хабариде.

Автомобиль эҳтиёт қисмлари ва сервис хизматлариға бўлган талаб тушиб бораётгани ана шундай тахминларни



озага келтирган. Қолаверса, Лондон биржасида мазкур ҳолдинг акциялари 22 фоиз арзонлашган.

Сафардаги ишончли ғалаба

Кеча футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2018 йилги ҳажон чемпионати иккинчи саралаш босқичи доирасида сафарда Яман терма жамоасига қарши майдонга тушди.

ФУТБОЛ

Таъкидлаш жоизки, вакилларимиз "Н" гуруҳида шу пайтгача бешта ўйин ўтказиб, уларнинг биттасида имконият бой берилган, тўрттасида эса зафар қўчишган эди. Келинг, ана шу натижаларға бир назар ташлаймиз. КХДР — Ўзбекистон — 4:0. Ўзбекистон — Яман — 1:0. Филиппин — Ўзбекистон — 1:5. Баҳрайн — Ўзбекистон — 0:4. Ўзбекистон — КХДР — 3:1.

Футболчиларимиз бу сафар ҳам ўзларига билдирилган ишончнинг оқладилар. Баҳсинг 8-дақиқасида тажрибали ярим ҳимоячимиз Азиз Хайдаров ҳисобни очди. Учрашувнинг 31-дақиқасида тажрибали футболчимиз Сервер Жепаров мазмунли комбинацияға чиройли голи билан нуқта қўйиб, орадаги фарқни оширди. Иккинчи таймда ҳам ташаббус вакилларимиз тарафиде бўлди. Буни 50-дақиқада ўнг қанотдан жамоамиз сардори Одил Аҳмедов етказиб берган тўпни боши билан дарвозаға аниқ йўллаган Станислав Андреев яна бир бор исботлади. Бироқ ўйиннинг сўнги 90-дақиқасида яманликлар ҳам гол уришининг уйдасидан чиқарилди. Унга Аҳмад ал-Сарори муаллифлик қилди. Шундай қилиб ҳаьмюртларимиз очқолар сонини 15 таға етказиб олдилар.

Ушбу турда Шимолий Корея ўз уйида Баҳрайнни 2:0 ҳисобиде мағлуб этган бўлса, филиппинликлар дам олди. Мазкур саралаш босқичи 2016 йилда давом этади. Унда терма жамоамиз 24 март куни Филиппин, 29 мартда эса Баҳрайнға қарши Тошкентда баҳс олиб боради.

М. ҚОСИМОВ.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2015 ЙИЛ 7 НОЯБРДАН 13 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

- I. Давлат рўйхатдан ўтказилди: 1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини иктимой муҳофаза қилиш вазирининг 2015 йил 15 октябрдаги 43-б-сон «Металларға совуқ ишлов беришда меҳнати муҳофаза қилиш қонди-ларини тасдиқлаш ҳақидеги буйруғи. 2015 йил 11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2726 (2015 йил 16 ноябрдан кучға кирди). 2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2015 йил 29 октябрдаги 94-сон «Суратловчиларнинг суурта за-ҳиралари тўғрисидаги низомага ўзғартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидеги буйруғи. 2015 йил 11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1882-4 (2015 йил 27 ноябрдан кучға кирди). 3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2015 йил 29 октябрдаги 95-сонли «Йўловчиларнинг давлат маҳбу-рий шахсий сууртасини ўтказиш, суурта тўловлари буйича транспорт ташкилотла-ри билан ҳисоб-китоб қилиш, суурта пул-ларини аниқлаш ва тўлаш тартиби ҳақидеги қондидаларни ўз кўчини йўқотқан деб топиш тўғрисидаги буйруғи. 2015 йил 11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 27-1 (2015 йил 27 ноябрдан кучға кирди). 4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ахборот теологиялари ва коммуникцияларини ривожлантириш вазирлиги ва Марказий банки Бош-қарувининг 2015 йил 9 ноябрдаги 2015-33, 136-м, 337-Б-сонли «Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳал-лий давлат ҳокимияти органлари ҳамда тижорат банклари томонидан кўрсатила-диган барча турдаги хизматларда элект-рон рақамли имзодан фойдаланиш қонди-ларини тасдиқлаш ҳақидеги қарори. 2015 йил 13 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2727 (2016 йил 16 февралдан кучға кирди).

ЭЪЛОНЛАР

«KOP TARMOQI KO'CHMAS MULK SAVDO» MЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Учтепа тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2015 йил 15 июндаги 10-1520/8486-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли, Саноат ҳудуди, 5-манзилда жойлашган, «Dlmax sanoat savdo ko'gazma biznes markazi» МЧЖға қарашли, қурилиш моллари савдо мажмуасидаги 0006-литер билан рўйхатға олинган 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 51-сонли, умумий майдони 375,0 кв.м.дан иборат бўлган ҳамда 0007-литер билан рўйхатға олинган 52, 52а, 53, 54-сонли, умумий майдони 148,0 кв.м.дан иборат бўлган савдо дўконлари такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 375 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2015 йил 4 декабрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади. Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талаб-горлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'p tarmoqli ko'chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекка-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Мурожаат учун манзил Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (0-871) 249-64-63, 249-63-61. Хизматлар лицензияланган.

«NEW TRANS ALLIANCE» MЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2015 йил 21 декабрь кун соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: — Бекобод шаҳар СИБ томонидан: * 2015 йил 13 октябрдаги 9068-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «Damas» русумли, давлат рақами 10 М 622 ВА. Бошланғич баҳоси — 26 522 000 сўм. * 2015 йил 13 октябрдаги 9069-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, «Damas» русумли, давлат рақами 10 Д 473 ВА. Бошланғич баҳоси — 20 178 000 сўм. Заңгиота тумани СИБ томонидан 21803-04/5-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, «ГА3 310200» русумли, давлат рақами 10 099 ХАА. Бошланғич баҳоси — 7 733 000 сўм. Олмалик шаҳар СИБ томонидан 2015 йил 6 майдаги 5130-5131-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «HOWO» русумли оғир юк ташувчи автомашини, давлат рақами 10 Д 994 ВА. Бошланғич баҳоси — 65 000 000 сўм. Шунингдек, 2015 йил 7 декабрь кун соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Заңгиота тумани СИБ томонидан 2015 йил 23 июндаги 14342-43/21-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқа-

рилган, давлат рақами 10 А 121 LA бўлган «ГА СГП «Damas» русумли автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 18 665 100 сўм. Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар хар кунни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишиға бир иш кунни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, хар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «New trans alliance» МЧЖнинг АТБ «Asia alliance bank» Мирзо Улугбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО: 01103, СТИР: 301829604. Аукцион голиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк кунни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Дарвозакент 2-берк кўчаси, 16-уй. Телефон: (+99897) 325-07-13. Гувоҳнома № 004593.

ТОШКЕНТ ВРАЧАЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

Эгалланган лавозимларға қуйилган кафедралар бўйича танлов эълон қилади: • 2-стоматология кафедраси — мудар. • Соғлиқни сақлашни ташкил қилиш, бошқариш ва молиялаштириш кафедраси — доцент. • Ички касалликлар кафедраси — доцент. • Нейрореабилитация ва Шарқ тиб-биёти кафедраси — доцент. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Телефон: (0-371) 268-29-10.

«CAPITAL REALTOR GROUP» MЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖда 2015 йил 7 декабрь кун соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Сергели тумани СИБ томонидан 2014 йил 20 июндаги 10-1410/7037-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, «Бордонкўл» ҚФЙ, Дўстлик қишлоғида жойлашган: 1. Умумий майдони 196 кв.м. бўлган 0001-литердаги маъмурий бино. Бошланғич баҳоси — 80 572 544 сўм. 2. Умумий майдони 39,46 кв.м. бўлган 0002-литердаги қоровулхона. Бошланғич баҳоси — 8 445 813 сўм. 3. Умумий майдони 58,61 кв.м. бўлган 0003-литердаги омборхона. Бошланғич баҳоси — 14 439 123 сўм. 4. Умумий майдони 132,31 кв.м. бўлган 0004-литердаги омборхона. Бошланғич баҳоси — 22 811 715 сўм. 5. Умумий майдони 150,49 кв.м. бўлган омборхона. Бошланғич баҳоси — 25 309 639 сўм. 6. Умумий майдони 15,93 кв.м. бўлган 0005-литердаги ёрдამчи бино. Бошланғич баҳоси — 4 161 740 сўм. 7. Умумий майдони 345,80 кв.м. бўлган 0006-литердаги омборхона. Бошланғич баҳоси — 68 532 762 сўм. 8. Умумий майдони 169 кв.м. бўлган 0007-литердаги ховуз. Бошланғич баҳоси — 24 159 738 сўм. 9. Умумий майдони 442,75 кв.м. бўлган 0008-литердаги омборхона. Бошланғич баҳоси — 98 800 923 сўм. 10. Умумий майдони 10250 кв.м. бўлган ер участкаси. Бошланғич баҳоси — 233 369 347 сўм. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишиға бир иш кунни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, хар бир мулк учун алоҳида тартибда «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улугбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927511003, МФО: 01018, СТИР: 207126662. Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (0-371) 250-19-24. Хизматлар лицензияланган.

Бунёдкорлик — халқимизга хос фазилат. Шу боис аждодларимизнинг бу жабҳадаги илму салоҳияти, бой анъана ва тажрибалари асрлар оша дунё аҳлини ҳайратга солиб келмоқда. Қолаверса, кейинги йилларда юртимиздаги ноёб тарихий иншоотларнинг қурилиши ҳамда безакларини ўрганиш, тадқиқ этишга қизиқувчилар сони тобора кўпайиб бораётир. Бу эса уларни асраб-авайлаш, келажак авлодларга бус-бутун ҳолда етказиш борасидаги масъулиятни янада оширади.

НОЁБ ҲУНАР ҚАДРИ



Дарҳақиқат, миллий анъаналар — халқимизнинг бебаҳо бойлиги. Мустанлик йилларида уларни асраб-авайлаш йўлида кенг кўламли чоратadbирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган даврда кадрятларимизнинг ажралмас қисми саналган халқ амалиёти санъати эътибор кучайди. Хунармандчиликнинг уну-

ний мерос объектлари давлатимиз муҳофазасига олинди. Уларни таъмирлаш муҳим вазифа сифатида белгиланди. Албатта, бундай эътибордан фахрланамиз. Қолаверса, барча соҳа вакиллари қатори хунар эгалари ҳам эмин-эркин ишлайдиган давр келди. Шу боис айнаи даврда ёғоч ўймакорлигининг ноёб қирраларини шоғирдларимга ўргатишга ҳаракат қилаялган.

“Меҳнат қилган элда азиз”, дейди халқимиз. 2002 йилда давлатимиз раҳбари Фармонига асосан “Ўзбекистон Республикаси халқ устаси” фахрий унвони билан тақдирланган, маҳорат ва истеъдоди халқаро миқёсда эътироф этилиб, ЮНЕСКОнинг махсус сертификатини қўлга киритган Насрулло Соҳибназаров айнаи пайтда ҳам ижодий изланишда. Чунки унинг юраги шижоатга тўла. Зеро, бундай куч-қувват, ғайрат ва илҳом манбаи истиқлолимизнинг бебаҳо инъомларидир.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Шоҳмурот ШАРАПОВ оlingан сурат.

МЕРОС

Ўз даврининг пухта меъморий ечимлари асосида тикланган осориётқаларга ҳам вақт ўтиши билан қайта сайқал бериш зарурати туғилади. Ушбу машаққатли юмушни амалга оширишда эса уста, хунармандларимизнинг маҳорати, билим ва эҳни жуда қўл келади.

Ўзбекистон Республикаси халқ устаси Насрулло Соҳибназаров умрини ана шундай эзгу ишларга бахшида этган фидойи инсонлардан бири. У ёғоч ўймакорлиги соҳасида ўзига хос мактаб яратди олди. Айниқса, кўҳна ва навқирон Самарқанд заминидagi тарихий обидаларни таъмирлаш жараёнида фаол иштирок этиб, Регистондаги Мирзо Улуғбек, Хожа Аҳрор даҳаси-

даги Мухаммад Нодир Девонбеги мадрасалари, Амир Темир мақбараси ҳамда бошқа ёдгорликларнинг қайта чиroyи ва жозоба касб этишига муносиб ҳисса қўшди. Қолаверса, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Хивадаги мазорлар мерос иншоотлар, Тошкентдаги “Хотира” майдони, “Шаҳидлар хиёбони” кўрғига кўрқ қўшиб турган нақшинкор дарвозаю устунлар ҳам унинг моҳирона ижоди, бетакрор истеъдоди маҳсулидир.

Устанинг мўъжазгина хонадони Самарқанд туманида жойлашган. 71 ёшни қаршилаган хунарманднинг ижодхонасидан шоғирдлари қадами узилмайди. Уларнинг сони 50 нафардан зиёд. Аксарияти эса

шу ерлик ёшлар. Қўшни вилоятлардан келиб, хунар ўрганувчилар ҳам кўп. Қувончлиси, ўғиллари Саматилло ва Санъатилло ота изидан борди. Қўлигул уста бўлиб камол топшиди. Олти нафар набираси эса айнаи пайтда Насрулло акага издош. Масалан, Амиржон — 21 ёшда. У тўрт ёшдан буён бобосининг ёнида. 19 ёшли Юсуфжон эса етти ёшлигидан нақшлар чиқади. Саккиз ёшли Сардоржон ҳам бобосига ҳавас қилиб, ёғоч ўймакорлиги сир-синоатларини бирмунча ўзлаштириб олган.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Халқимиз “оқ куйрук” деб атайдиган сайғоқлар Ер юзидagi энг қадимий жониворлардан бири эканлигини кўпчилик билмаска керак. Соҳа мутахассисларининг эътирофи этишча, мамонтлар билан бир даврда яшаган кийикларнинг ушбу тури иқлим ўзгаришлари ва бошқа таҳдидлардан эсон-омон ўтиб, бугунги кунга қадар етиб келган. Бироқ сўнгги 15 — 20 йил ичида дунё бўйича уларнинг сони кескин камайиб, атиги беш фоизигина сақланиб қолинган.

ЭКОТИЗИМ ВА БИОЛОГИК МУВОЗАНАТ

Сайғоқлар чўл шароитига мослашган бўлса-да, жонивор саноқли давлатларда муҳим кўним топган. Жумладан, Ўзбекистоннинг Устюрт кенгликларидa табиий шароитда яшамоқда. Республикаимиз “Қизил китоб”га киритилган бу жониворлар Оролбўйи минтақаси экотизимининг ажралмас қисми, таъбир жоиз бўлса, биологик мувозанатнинг муҳим курсаткичи ҳисобланади.

Унинг камайиб кетиши эса худуд ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу маънода, 1991 йилда “Сайғачий” буюртмаохонаси ташкил этилиб, бу ерда сайғоқлар ва Устюрт яси тоғи фаунаси алоҳида муҳофазасига олингани айнаи мудида бўлди.

Шу ўринда айтиш жоизки, ушбу буюртмаохона фаолиятини такомиллаштириш, ишлар самардорлигини ошириш давлатимизнинг доимий эътиборида турибди. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдagi “2013 — 2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида”ги қарори бу борада олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтириш имконини берди. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар оқ куйрукларнинг табиий шароитда кўпайиш имконини янада кенгайтиришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

— 2010 — 2015 йилларга мўлжалланган мазкур лойиҳадан кўзланган асосий вазифалардан бири йўқолиб кетиш эҳтимоли остида турган сайғоқлар хавфсизлигини таъминлашдир, — дейди лойиҳа раҳбари Халилулла Шеримбетов. — Шундан келиб чиқиб, “Сайғачий” буюртмаохонаси кўриқлаш статуси юқори бўлган миллий миқёсда қайта ташкил қилиниб, ўзининг ер май-

қўллаб омиллари бор. Яйловларнинг қисқариши, кучиб ўтиш йўлларида сунъий тўсимлар ўрнатилиши, юқумли касалликлар эпидемияси ана шулар жумласидандир. Бироқ асосий сабаб сифатида браконьерликнинг авж олгани айтимлоқда.

Гап шундаки, бу чўл жониворлари, асосан, қимматбаҳо шохлари учун овланмоқда. Оқибатда уларнинг сони шунчалик камайиб кетдики, бутунлай йўқ бўлиб кетиш эҳтимоли ҳам бор. Ўзбекистонда эса қисқариб бораётган кенжа тур таснифига киритилган.

— Лойиҳа доирасида экспедиция уюштирилиб, нафақат буюртмаохона худуди, балки Устюрт яси тоғининг биохилмахиликли ва унга таъсир кўрсатаётган таъшиқ омиллари бўйича дастлабки маълумотлар тўпланди, — дейди Халилулла Шеримбетов. — Шу асосда буюртмаохона худудида сайғоқ ва бошқа камёб жониворларнинг эмин-эркин кўпайиши учун мўлжалланган олти махсус участка ҳамда иккита химоя худуди ташкил этилапти.



дони, бошқариш органи, молиялаштириш манбаи ва браконьерликка йўл қўймаслигини таъминлаш учун инспекторлардан иборат штатига эга бўлапти. Ҳозирги пайтда буюртмаохонанинг моддий-техника базасини ташкил қилиш бўйича барча чора кўрилмоқда, жойларда кенг тушунтириш ишлари олиб борилапти. Шунингдек, биохилмахиликни асраш масаласига бағишланган тегишли нашрлар чоп этилиши баробарида, табиатни муҳофазаси қилиш тизими ва нефть-газ соҳаси ходимлари учун семинар-тренинглар ўтказилаётир. Бу каби саъй-ҳаракатлар, албатта, ўз самарасини беради, жониворлар сони секин-асталик билан барқарорлашиб боришини таъминлайди.

Сайғоқнинг ўзига хослиги шундаки, у филниккага ўхшаш, аммо қалта хартумга эга. Пода-пода бўлиб яшаб, ўсимликлар, чўл яримбуталари билан озиқланади. Мутахассисларнинг фикрича, сайғоқлар камайиб кетишининг

мотлар тўпланди, — дейди Халилулла Шеримбетов. — Шу асосда буюртмаохона худудида сайғоқ ва бошқа камёб жониворларнинг эмин-эркин кўпайиши учун мўлжалланган олти махсус участка ҳамда иккита химоя худуди ташкил этилапти.

Табиатни муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси мутахассисларининг айтишича, юртимизда биологик ранг-баранглик таъминлашида қарийб бир миллион гектар майдонни эгаллайдиган “Сайғачий” буюртмаохонасининг алоҳида ўрни бор. Сабаби, бу ерда “Қизил китоб”га киритилган ўсимликларнинг 4 тури, ҳайвонларнинг эса 25 тури (шундан 15 тури қушлар) учрайди. Ҳаётга татбиқ этилаётган бу каби лойиҳалар эса бошқа камёб турларнинг ҳам кўпайишига қўлай табиий муҳит яратишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Сайд РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ФЕСТИВАЛЬ

Навоийда “Камалат юлдузлари” республика болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичи якунланди. Унда 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўғил-қизлар олти йўналиш бўйича ўз иқтидорини намойиш этди.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг “Кама-

БУНЁДКОРЛИК

Бекобод туманида янгидан қуриб битказилган иншоот саҳнига ўрнатилган монументда фарзандини бағрига босиб турган она сиймоси акс эттирилган.

Истеъдодга муносиб рағбат

лак” болалар ташкилоти, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган мазкур анъанавий фестиваль истеъдодларни кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Жорий йилда ижодий кўриқнинг Навоий вилояти туман ва шаҳар босқичларида 3 минг нафар ўғил-

қиз қатнашди. Навбатдаги босқичда эса мумтоз мусиқа, вокал, халқ чолғулари, рақс, тасвирий ҳамда амалий санъат, насл ва назм йўналишларида 480 дан ортиқ ёшлар орасидан 22 нафар иқтидор эгаси саралаб олинди.

— Фестивалда назм ва насл йўналишида иштирок этдим, — дейди Навоий

шаҳридаги 7-умумтаълим мактаби ўқувчиси Фахриёр Бахтиёров. — Ижодий ишларим кўпчиликка манзур бўлди. Бу эса мени янги-янги марралар сари илҳомлантиради.

Тадбир якунида голиб ва совриндорларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Манзилли дастур асосида

Бу кўркам иморат туман тиббиёт бирлашмаси қошидаги болалар бўлимининг биносидир.

Манзилли дастур асосида замонавий қиёфа ва шарт-шароитларга эга бўлган ушбу бўлимдаги хоналар махсус мебель ҳамда тиббий анжомлар билан жиҳозланди. Иссиқ ва совуқ сув, иситиш тизимлари ҳамда бошқа

зарур коммуникация тармоқларига уланди.

Айнаи пайтда бу ерда бир вақтнинг ўзига 55 нафар болани стационар шароитда даволаш имконияти мавжуд. Уларга 80 га яқин малакали шифокор ва ҳамширалар тиббий ёрдам кўрсатади.

Файрат ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ
бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказилайдиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Қибрай тумани СИБ томонидан 2472-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Матқобулов номидаги ҚФЙ, Янги ҳаёт кўчасида жойлашган, умумий майдони 628,07 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган 9-ўй тақроран қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 240 237 333 сўм.
Аукцион савдоси 2015 йил 7 декабрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-ўйда бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабдорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабдорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг ХАТБ «Universal bank» Тошкент шаҳар филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904936050003, МФО: 00996, СТИР: 207125885.

Аукцион голиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-ўй.
Телефон: (0-371) 233-09-38. Ички телефон: 258.

Хизматлар лицензияланган.

ИП ООО «АМКОДОР-TASHKENT»
официальный дистрибьютор холдинга «АМКОДОР» в Республике Узбекистан

погрузчики фронтальные и универсальные | погрузчики с бортовым поворотом, ямобуры | автогрейдеры и землекопы | катки самоходные вибрационные

БЕЛОРУССКАЯ ДОРОЖНО-СТРОИТЕЛЬНАЯ, СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННАЯ, КОММУНАЛЬНАЯ И СПЕЦИАЛЬНАЯ ТЕХНИКА

экскаваторы-погрузчики | экскаваторы | машины фрезерные, траншекопатели | вилочные авто-электропогрузчики

Товар сертифицирован
Тел./факс: (0-371) 283-42-18, 283-42-17. Моб.: (+998 94) 669-29-71, (+998 95) 169-42-18, 169-42-19.
Республика Узбекистан, 100005, г. Ташкент, ул. 8 Марта, 57, e-mail: ajle@mail.ru, www.amkodor.by

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1167. 73 141 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Телефонлар:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-ўй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва.
Навбатчи — З. Худойшукuroв.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббoв.

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
“Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.00 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5

ТАНЛОВ

Фарғонада “Энг яхши кутубхоначи — 2015” кўриқ-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.

«ЭНГ ЯХШИ КУТУБХОНАЧИ»

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Республика Марказий кўзи оживилар кутубхонаси тизимидagi 81 зий маскани ўртасида уюштирилган ушбу танловда унинг худудий босқичлари голиби бўлган мутахассислар ўз иқтидорларини намойиш этди.

Унга кўра, самарқандлик Гуллола Ҳасанова биринчи ўринни эгаллади. Сурхондарёлик Илсали Менглибоев ва Жиззахлик Сабура Исаевага иккинчи ҳамда Хоразм вилояти вакили Замира Отажоновага учинчи ўрин насиб қилди. Шунингдек, андижонлик Ходисахон Маҳкамova танловнинг “Энг кекса иштирокчи” номиницияси билан тақдирланди.

Дилфуза ҚАРШИБОВЕВА.

АНЖУМАН

Мамлакатимизда жорий йилнинг 20 ноябрдан 20 декабргача “Ёнгин хавфсизлиги ойлиги” эълон қилинди.

«ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ» ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан мазкур ойлик давомидa амалга ошириладиган муҳим вазифаларга бағишлаб ўтказилган матбуот ахборотида қайд этилганидек, тизим ходимлари томонидан юртимиздаги барча шаҳар, туман ва аҳоли пункти, иқтисодий тармоғи объектларида ёнгин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айнаи чоғда корхона, муассаса ва ташкилотлар объектлари, шунингдек, уй-жой фондиди талабларга мос ҳолга келтириш, ўта муҳим объектларда ёнгин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўриляпти. Ушбу саъй-ҳаракатлар туфайли 2015 йилда содир бўлган ёнгинлар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3,4 фоиз камайишига эришилди.

Қолаверса, бу даврда 45 минг 857 та корхона, ташкилот, муассаса ва ҳўжалиқнинг ёнгинга қарши ҳолати текширилиб, аниқланган камчилик ҳамда нуқсонларни бартараф этиш юзасидан тегишли тасвиялар берилди.

Анжуманда мазкур йўналишда профилактика тадбирларига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Жумладан, аҳоли яшаш жойларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича тарғибот ишлари уюштирилмоқда, тураржойларнинг ёнгинга қарши ҳолати текширувдан ўтказилапти. Ўта муҳим объектлар ва халқ ҳўжалиги масканлари, мактаб ҳамда бошқа ўқув юртлири ва фуқаролар кўп йиғиладиган жойларда 25 мингдан зиёд ёнгин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилди. Шу билан бирга, ёнгиннинг олдини олишга қаратилган 2 мингдан ортиқ турдаги эслатма, плакат ва шюрлар тайёрланиб, жойларга етказиб берилди.

“Ёнгин хавфсизлиги ойлиги”да ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилади.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.